

**Рамазон рўзасини тутиш фарзлиги ва рўза тутиш  
фазилати ва шунга боғлиқ масалаларнинг баёни  
ҳақидаги боб**

**(2)**

﴿باب وجوب صوم رمضان وبيان فضل الصيام وما يتعلق به﴾

من كتاب رياض الصالحين

**(2)**

[ الأوزبكي – Uzbek – Ўзбекча ]

***Абу Абдурахмон Насафий***

**Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий**

2009 - 1430

islamhouse.com

# ﴿باب وجوب صوم رمضان وبيان فضل الصيام وما يتعلق به﴾

من كتاب رياض الصالحين

(2)

«باللغة الأوزبكية»

أبو عبد الرحمن النسفي

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

باب وجوب صوم رمضان وبيان فضل الصيام وما يتعلق به

الجزء الثاني

الحمد لله رب العالمين والصلاة والسلام على نبينا محمد وعلى آله وأصحابه ومن تبعهم  
ياحسان إلى يوم الدين

**Рамазон рўзасини тутиш вожиблиги ва рўза тутиш фазилати ва  
шунга боғлиқ масалаларнинг баёни ҳақидаги боб**

Ушбу дарсда ўтган дарсда шарҳлаб бошланган (Рамазон рўзасини тутиш фарзлиги ва рўза тутиш фазилати ва шунга боғлиқ масалаларнинг баёни ҳақидаги боб)да зикр қилинган навбатдаги ҳадисларни шарҳлашга киришамиз.

وعنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: من أنفق زوجين في سبيل الله نودي من أبواب الجنة: يا عبد الله هذا خير، فمن كان من أهل الصلاة دعي من باب الصلاة، ومن كان من أهل الجهاد دعي من باب الجهاد، ومن كان من أهل الصيام دعي من باب الريان، ومن كان من أهل الصدقة دعي من باب الصدقة قال أبو بكر، رضي الله عنه: بأبي أنت وأمي يا رسول الله! ما على من دعي من تلك الأبواب من ضرورة، فهل يدعى أحدٌ من تلك الأبواب كلها؟ قال نعم وأرجو أن تكون منهم متفقاً عليه.

Яна Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилишларича Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деган эканлар: "Ким Аллоҳ йўлида бир жуфт бир хил мол нафақа қилса, Жаннат эшигларидан: "Эй Аллоҳнинг бандаси, сенга бу ерда яхшилик бор", – деб чақирилади. Ким намоз аҳлидан бўлса, намоз эшигидан чақирилади. Ким жиход аҳлидан бўлса, жиход эшигидан чақирилади. Ким рўза аҳлидан бўлса, Райён эшигидан чақирилади. Ким садақа аҳлидан бўлса, садақа эшигидан чақирилади. Абу Бакр розияллоху анху: "Эй Расулulloҳ, ота-онам сизга фидо бўлсин! Ушбу эшиклардан чақирилган кишининг бошқа эшикларга эҳтиёжи йўқ-ку, бирор киши ўша эшикларнинг

хаммасидан чақириладими!?" – дедилар. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: "**Ҳа, сиз ўшалардан бўлишингизни умид қиламан**", - дедилар. (*Муттафақун алайҳ*)

## Шарҳ:

Ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган ( *في سبيل الله* - фий сабийлиллаҳ) яъни: Аллох йўлида-деган иборанинг маъносида уламолар ихтилоф қилишиб, баъзилари: унинг маъноси-жиход дейишган бўлса, яна бошқалари: маъноси-ундан кўра умумийроқ дейишган экан. ( *أنفق زوجين* - анфақа завжайни) иборасининг маъноси молнинг ҳар қандай туридан иккита бир хил нарсани инфоқ – эҳсон қилиш дегани; масалан: икки туя ё икки от ё икки динор ёки икки дирҳам ва ҳоказо. Ҳадисдаги: ( *هَذَا خَيْرٌ* ) иборасидаги хайр калимаси араб тили қоидаларида истеъмол қилинадиган исми тафзил маъносида эмас, балки: бу яхшиликлардан бири деган маънода келган экан. Ва ундаги танвин шу нарсани жуда улуғ эканини билдириш учун истеъмол қилиниб, бу билан гапдан кўзланган мақсад келиб чиқади.<sup>1</sup> (Ҳаза хайр) иборасини баъзилар: "Сенга бу ерда яхшилик, савоб ва роҳат-фароғат бор",-деган маънода дейишган бўлса, бошқалар: "Бу эшикнинг ажри ва роҳати кўплиги туфайли сенга бошқа эшиклардан кўра яхшироқ деб ўйлаймиз, шунинг учун шу эшикдан кир",-деган маънода дейишган экан. Уламолар айтишларича: "Ким қайси бир амал ёки ибодатни кўпроқ қилиб танилган бўлса, ўша амал ёки ибодатга тегишли эшикдан чақирилар экан". Масалан: фарз намозларни адо этиб, нафл намозларни жуда кўп ўқийдиган киши намозга тегишли эшикдан, кўп рўза тутиш билан танилган киши ундан рўзадорларгина кирадиган Райён номли эшикдан чақирилар экан ва ҳоказо. Бу эшик Райён деб аталишининг боиси унинг араб тилидаги (ар-рий) яъни чанқоқни босиш ва сувга қониш маъносидаги феъл негизидан олиниб ясалганлигидир. Бу маънонинг иссиқ кунларда рўза сабабли ташна бўлган кишининг тезда чанқоғи босилишига бўлган алоқаси яққол кўриниб турибди.<sup>2</sup> Имом Бухорий роҳимахуллох Абу Хурайра розияллоху анхудан марфуъ тарзда ривоят қилган ҳадисда Жаннатнинг бу эшикларига чорловчилар Жаннат хазиначилари эканлигига очиқ-ойдин далил бор.

Ҳадисдаги Абу Бакр розияллоху анхунинг: " *مَا عَلَى مَنْ دُعِيَ مِنْ هَذِهِ الْأَبْوَابِ مِنْ ضَرُورَةٍ* ",- деган сўзларининг маъноси: "Бу эшикларнинг биридан чақирилган киши Жаннатга киришлик билан мақсадига эришганлиги учун бошқа эшиклардан чақирилишига эҳтиёжи йўқ-ку!"- дегани. Бу услуб у кишининг: "Бирор киши ушбу эшикларнинг хаммасидан чақириладими?"- деган гаплари учун гўёки муқаддима эди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам эса бу саволга: "**Ҳа, сиз ўшалардан бири бўлишингизни умид қиламан**",- дедилар. Аллох ва унинг пайғамбари тарафидан қилинган умид эса рўёбга чиқишлиги муҳаққак бўлиб, бу ҳадис Абу Бакр розияллоху анхунинг фазилатларига далолат қиладиган ҳадислар қаторидан ўрин олар экан. Ибн Ҳиббон Ибн Аббос розияллоху

<sup>1</sup> Фатхул-Борий, Ибни Ҳажар.

<sup>2</sup> Саҳиҳ Муслим шарҳи, Нававий.

анхумадан ривоят қилган ҳадисда бу ҳолат Абу Бакр розияллоху анху учун ҳақиқатдан содир бўлиши очик айтилиб: "**Ҳа, эй Абу Бакр ўша киши сенсан**", – деган эканлар.<sup>3</sup>

Муҳтарам мусулмонлар. Шундай экан, ушбу муборак Рамазон ойида барчамиз энг шимариб, қуръон тиловати, зикр, намоз ва садақаю-эҳсон каби эзгу-амалларни Аллоҳ азза ва жалла розилиги учун адо қилишга ҳаракат қилайлик. Рўзадор ҳолимизда бир кунда бир марта қорни тўйиб, овқат емайдиган бева-бечоралар ва етим-есирларнинг ачинарли ҳолатларини кўз ўнгимизга келтириб, уларга Аллоҳ таъоло ўз фазли-карами билан бизларга инъом қилган молу-дунёмиздан имкон борича эҳсон қилиб, уларни сийлайлик, шоядки Аллоҳ таъоло молу-дунё ва бола-чақанинг фойдаси тегмайдиган кунда бизларга раҳм қилса.

وعن سهل بن سعدٍ رضي الله عنه عن النبي، صلى الله عليه وسلم، قال : إن في الجنة باباً يقال له : الريان، يدخل منه الصائمون يوم القيامة، لا يدخل منه أحدٌ غيرهم، يقال: أين الصائمون ؟ فيقومون لا يدخل منه أحدٌ غيرهم، فإذا دخلوا أغلق فلم يدخل منه أحدٌ متفقٌ عليه.

Саҳл ибн Саъд розияллоху анху ривоят қилишларича Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: "**Жаннатда Райён деб аталадиган бир эшик бўлиб, ундан қиёмат куни рўзадорлар кирадилар. Ундан рўзадорлардан бошқа ҳеч ким кирмайди. "Рўзадорлар қани?"-дейилганда улар ўринларидан турадилар. У эшикдан улардан ўзга ҳеч ким кирмайди. Киришгандан сўнг эшик беркитилиб, ундан бошқа бирон киши кирмайди**",-деган эканлар. (*Муттафақун алайҳ*)

## Шарҳ:

Ушбу ҳадис ҳам рўзадорлар фазилатига далолат қилиб, олдин айтиб ўтганимиздек уларнинг Жаннатдаги Райён деб номланадиган ва ўз номи билан рўзадорларнинг тезда чанқоғлари босилишига ишора қиладиган бир улуғ эшикдан киришларини баён қилмоқда. Аллоҳ субҳанаҳу ва таъолодан бизларни ушбу эшикдан чорланиб, ундан киришимизни насиб этишини сўраймиз.

وعن أبي سعيدٍ الخدري، رضي الله عنه، قال : قال رسول الله، صلى الله عليه وسلم : ما من عبدٍ يصوم يوماً في سبيل الله إلا باعد الله بذلك اليوم وجهه عن النار سبعين خريفاً متفقٌ عليه.

<sup>3</sup> Туҳфатул-Аҳвазий.

Абу Саъид розияллоху анху ривоят қилишларича: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **"Ким Аллоҳ йўлида бир кун рўза тутса, Аллоҳ унинг юзини Дўзахдан етмиш йил узоқлаштиради"**, -деган эканлар. *(Муттафақун алайҳ)*

### Шарҳ:

Ушбу ҳадисда Аллоҳ таъолонинг розилигини истаб рўза тутиш фазилати зикр қилиниб, унинг фазилати ушбу рўза билан зарар кўрмайдиган, у сабабли ўзгалар ҳақини суистеъмол қилмайдиган ва унинг муҳим фазибаларига путур етказмайдиган кишига тааллуқли экан. Ушбу ҳадисда рўзадор юзини Дўзахдан узоқ қилиниши билан уни Дўзахдан узоқлаштирилиб, ундан саломат сақланишига ишора қилинмоқда. Ҳадисдаги "ҳарийфан" лафзи йил маъносида истеъмол қилинган.<sup>4</sup>

وعن أبي هريرة، رضي الله عنه، عن النبي، صلى الله عليه وسلم، قال: من صام رمضان إيماناً واحتساباً، غفر له ما تقدم من ذنبه متفقٌ عليه.

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилишларича: Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: **"Ким Рамазон рўзасини иймон келтириб ва ажр истаб тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечиради"**, -деган эканлар. *(Муттафақун алайҳ)*

### Шарҳ:

Ушбу ҳадиси шариф Рамазон рўзасини тутишлик фазилатига далолат қилади. Ва ундаги иймондан мурод Рамазон рўзасини тутиш фарз деб эътиқод қилиш. Эҳтисобдан мурод Аллоҳ таъолодан савоб исташ. Хаттобий роҳимаҳуллоҳ: "Эҳтисобнинг маъноси азмуқарор; яъни: рўза савобини истаб, бу билан кўнгли хушнуд бўлиб, рўзадан малолланмай ва рўза кунларини узоқ санамай рўза тутиш", -деган эканлар. Ҳадисдаги **"гуноҳлари"** деган сўз барча гуноҳларни ўз ичига олади, лекин кўпчилик уламолар наздида у муайян гуноҳлар билан хосланган.<sup>5</sup>

وعنه، رضي الله عنه، أن رسول الله، صلى الله عليه وسلم، قال : إذا جاء رمضان، فتحت أبواب الجنة، وغلقت أبواب النار، وصفدت الشياطين متفقٌ عليه.

Яна Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилишларича Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **"Агар Рамазон келса, Жаннат эшиклари очилади, Дўзах эшиклари беркитилади ва шайтонлар кишанланади"**, -деган эканлар. *(Муттафақун алайҳ)*

<sup>4</sup> Саҳиҳ Муслим шарҳи, Нававий.

<sup>5</sup> Фатҳул-Борий, Ибни Ҳажар.

## Шарҳ:

Ҳалиймиё роҳимаҳуллоҳ айтадилар: “Шайтонлардан мақсад кимлар эканлигида икки эҳтимол бор:

1. Шайтонлардан мақсад ваҳийга қулоқ тутиб, гап ўғирлайдиган шайтонлар бўлиб, улар Рамазон кунларида эмас, балки унинг кечаларида кишанланадилар, чунки улар Қуръон нозил бўлаётган вақтда ваҳийга қулоқ тутиб, гап ўғирлашдан ман қилинган эдилар, шу боис ваҳийни сақлаш учун яна ҳам кишанлари зиёда қилинган эди.
2. Мусулмонлар Қуръон тиловати, зикр ва шахватларни сусайтирадиган рўза билан машғул бўлганлари учун шайтонлар бошқа ойларида қила оладиган васваса ва йўлдан оздиришларига Рамазонда эриша олмас эканлар. Бошқа уламолар эса: “Бундан шайтонларнинг катта ва исёнкорлари кўзда тутилган”,-дейишган экан. Ибни Хузайма ўз саҳиҳида шу маънода бир боб тузиб, унда ўзи, Термизий, Насоий, Ибн Можа ва Ҳокимлар Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ушбу ҳадисни келтирган. Ушбу ривоятда: **“Рамазоннинг биринчи кечасида шайтонлар ва жинларнинг катталари кишанланади”**, -дейилган экан. Яна баъзилари: “Рамазонда шайтонлар кишанлаб қўйилишида мукаллаф банданинг баҳоналарини бекор қилишга ишора бор; гўёки унга: шайтонлар сендан тийиб қўйилган, шунинг учун тоат-ибодатни ташлаб, гуноҳларни қилишингга уларни баҳона қилма,”-дейилади.<sup>6</sup> Баъзи уламолар Рамазон сўзини ой сўзига қўшмасдан алоҳида зикр қилиш жойиз эмас, балки Рамазон ойи деб айтиш керак-дейишган экан. Бу ҳадисда эса Рамазон сўзини ой сўзига қўшмасдан алоҳида зикр қилиш жойиз эканлигига далил бор. Яъни: Рамазон кирди ё Рамазон келди деб айтиш жойиз экан. Бу мазҳабни имом Бухорий ва муҳаққиқ олимлар тўғри деб топишган.<sup>7</sup> Азиз ва муҳтарам мусулмон биродарлар. Ушбу ойда саховатпеша Раббимиз ато қиладиган бу каби фурсатларни барчамиз ғанимат билиб, амал саҳифаларимизни ажру-савоблар билан тўлдиришга ҳаракат қилайлик. Аллоҳ таборака ва таъолодан ҳаммамизни ушбу муборак ойда солиҳ амаллар қилишга муваффақ қилишини ва қилган тоат-ибодатларимизни ўз даргоҳида қабул қилишини сўраб, унда билиб-билмай қилиб қўйган хато-камчиликларимизни кечиришини сўраймиз. У саҳий ва улуғ зотдир.

وعنه أن رسول الله، صلى الله عليه وسلم، قال: صوموا لرؤيتيه، وأفطروا لرؤيتيه، فإن غي عليكم، فأكملوا

عدة شعبان ثلاثين متفق عليه وهذا لفظ البخاري.

وفي رواية مسلم: فإن غم عليكم فصوموا ثلاثين يوماً

<sup>6</sup> Фатҳул-Борий, Ибни Ҳажар.

<sup>7</sup> Саҳиҳ Муслим шарҳи, Нававий.

Яна Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **"Янги ойни кўришлик билан (Рамазон ойида) рўза тутинглар ва уни кўришлик билан рўзани яқунланглар. Агар чанг-тўзон сабабли сизларга кўринмай қолса, Шаъбоннинг саноғини ўттиз кун қилиб тўлиқ қилинглр"**, -деган эканлар. (Бу имом Бухорий қилган ривоятнинг лафзи, имом Муслим ривоятида эса: **"Агар булут ойни кўришларингиздан тўсса, ўттиз кун рўза тутинглар"**, -деган эканлар.)

## Шарх:

Ушбу ҳадисда Рамазон ойи рўзаси қачон ва қандай бошланиши ва қандай яқунланиши ҳақида сўз юритилади. Рамазон рўзасини тутиш то янги ой киргани аниқ бўлмагунча вожиб бўлмайди. Рамазон ойи кирмасдан олдин унинг рўзаси тутилмайди, чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда: **"Биронталарингиз Рамазондан бир ё икки кун аввал рўза тутмасин, лекин бирон киши олдиндан тутиб юрган рўзаси бўлса, у ҳолда тутаверсин"**, -дедилар. Яъни: олдиндан душанба ва пайшанба каби кунларда рўза тутиб юриб, кейин шу кунлардан бири Шаъбоннинг йигирма тўққизинчи ё ўттизинчи кунига тўғри келиб қолса, фақат шу кишигагина Рамазондан бир ё икки кун аввал рўза тутиш жойиз бўлар экан. Рамазон ойи кирганига икки нарсдан бири билан ҳукм қилинади:

1. Рамазоннинг янги ойини кўриш, чунки Аллоҳ таоло: **"Сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин"**,<sup>8</sup> -деган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **"Агар янги ойни кўрсангизлар рўза тутинглар"**,<sup>9</sup> -деганлар. Ҳар бир киши учун янги ойни кўриш шарт эмас, балки гувоҳлиги билан ой киргани собит бўладиган киши кўрса, ҳамма мусулмонлар рўза тутишлари учун кифоя. Янги ой кўрилгани ҳақидаги гувоҳлик қабул қилиниши учун гувоҳлик бераётган шахс ақлли, балоғатга етган, омонатдорлиги ва кўзи ўткирлиги сабабли гапига ишониладиган мусулмон киши бўлиши лозим. Балоғатга етмаган ёш бола ва жинни кишиларнинг янги ой кўрганлиги ҳақидаги гувоҳлиги қабул қилинмайди. Шунингдек кофир кишининг гувоҳлиги ҳам қабул қилинмайди. Ёлғончилик, шошқалоқлик ва кўзи ўтмаслик билан танилган кишиларнинг янги ой кўрганлиги ҳақидаги гувоҳликлари билан ой кирганлиги собит бўлмайди. Хусусан Рамазон ойи кирганига бир кишининг гувоҳлиги қабул қилинади, чунки Абдуллоҳ ибн Умар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга янги ойни кўрганликларини хабар берганларида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам рўза тутиб одамларни ҳам рўза тутишга буюрган эканлар.<sup>10</sup> Кимда –ким янги ойни аниқ кўрса, уни мутасадди шахсларга зудлик билан хабар бериши керак. Шунингдек рўза, Рамазон ҳайити ва ҳаж каби шаръий ибодатларга тааллуқли бўлгани учун Шаввол ва Зул-ҳижжанинг янги ойларини кўрган киши ҳам кўрганлигини билдириши керак.

<sup>8</sup> Бақара: 185.

<sup>9</sup> Муттафақун алайҳ.

<sup>10</sup> Абу Довуд ва Ҳоким ривояти.



2. Янги ойни ғубор ва булут каби нарсалар кўришдан ман қилса, у ҳолда ой кирганига ундан олдинги ойни тўлиқ яъни ўттиз кун қилиш орқали эришилади, чунки қамарий ой ўттиз кундан зиёда ва йигирма тўққиз кундан кам бўлиши мумкин эмас. Баъзи йилларда икки ойдан тўрт ойгача ўттиз кун ёки икки ойдан тўрт ойгача йигирма тўққиз кун бўлиши мумкин. Лекин кўпинча бир ё икки ой тўлиқ ва учинчиси ноқис бўлади. Қачон ўтган ой тўлиқ ўттиз кун бўлса, янги ой кўрилмаса ҳам шаръан ундан кейинги ой кирган деб ҳукм қилинади, чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Янги ойни кўришлик билан Рамазон рўзасини тутиб, уни кўришлик билан рўзани тугатинглар. Агар булут ойни кўришларингиздан тўсса, уни ўттиз кун қилиб ҳисобланглар”,-деган эканлар.

Ушбу ҳадислардан маълум бўладиги Рамазон рўзасини янги ой кўрмасдан олдин тутилмайди. Агар ой кўринмаса, Шаъбон ойи ўттиз кун тўлиқ қилинади. Шаъбоннинг ўттизинчи куни осмон булутли бўлса ҳам очиқ бўлса ҳам рўза тутилмайди, чунки Аммор ибн Ёсир: "Ким шак кунида рўза тутса, Абул-Қосимга осий бўлибди”,-деган эканлар.<sup>11</sup>

Мухтарам биродарлар. Мана шу ҳадис билан ушбу дарсимизга якун ясаб, кейинги дарсимизда навбатдаги бобнинг шарҳига киришамиз. Аллоҳ таъолодан бу ойни бизлар учун яхшилик ва барака ойи қилиб, унда фақат ўзигагина тоат қилишни насиб этишини, унга маъсият қилишдан сақлашини ва бизларни ва ота-оналаримизни мағфират қилишини сўраб қоламиз.



---

<sup>11</sup> Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривояти, Риёзус-солиҳийннинг шарҳи, Ибн Усаймийн.